

14-YANVAR — VATAN HIMOYACHILARI KUNI

CHIRCHIQTONGI

Toshkent viloyati Chirchiq shahri/hokimligining ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil, 9-yanvar JUMA
2-son (10301)

"Sizning azmu shijoatingiz, el-yurtga sadoqatingiz tufayli xalqimizning tinch va osoyishta hayoti ta'minlanmoqda, mamlakatimizning mudofaa salohiyati mustahkamlanmoqda, milliy armiyamizning jangovar qobiliyati yuksalmoqda."

Shavkat MTRZTUYOYEV

ХАРБИЙ – НАФАҚАТ ЖАНГЧИ, АЙНИ ВАҚТДА, ТАРБИЯЧИ ВА ЕТАКЧИДИР

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Chirchiq tongi" газетаси муҳаррири Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва муҳофаа университетининг Куруқликдаги қўшинлар институти раҳбари Қаҳрамонжон Обиджонович Зоидовга бир неча саволлар билан муурожаат қилди. Қуйида мазкур тезкор интервьюни эътиборингизга ҳавола қиламиз:

– Ҳурматли Қаҳрамонжон Обиджонович, 2025 йилда шахримизда ташкил этилган Куруқликдаги қўшинлар институтининг асосий вазифа ва мақсадлари ҳақида газетхонларимизга тушунча берсангиз.

– Янги моделга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг тегишли фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва муҳофаа университети таркибида Қуролли Кучлар Академияси ислоҳ қилиниб, унинг ўрнида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва муҳофаа университети ташкил этилди. Мазкур университет таркибида Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти негизда Куруқликдаги қўшинлар институти ташкил этилди. Куруқликдаги қўшинлар институти ташкил этилишининг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини замонавий ҳарбий тафаккурга эга, юқори касбий салоҳиятли, маънавий баркамол офицер кадрлар билан таъминлашдан иборат. Бугунги глобал хавф-хатарлар, минтақавий мураккабликлар ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимига мутлақо янги талабларни қўётганини ҳисобга олсак, мазкур институт замон талабларига жавоб берадиган ҳарбий таълим маскани сифатида фаолият юритмоқда. Институтда таълим, илмий-тадқиқот ва амалий тайёргарлик бир бутун тизим сифатида олиб борилади.

– Чирчиқ шаҳрида бой ҳарбий анъаналар тўпланган. Шулар ҳақида фикрингизни билишни истар эдик.

– Чирчиқ шаҳри кўп йиллардан буён ҳарбий таълим ва тайёргарлик маркази сифатида танилган. Бу ерда шаклланган ҳарбий анъаналар, тартиб-интизом ва хизмат маданияти янги институт фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Айни пайтда, институт ана шу тарихий меросни сақлаган ҳолда, уни замонавий ҳарбий билимлар, инновацион ёндашувлар ва янги таълим стандартлари билан бойитмоқда.

– Институтни бошқариш масъулиятини қўлга олганда илк кунларда олдингизга қандай вазифаларни қўйдингиз?

– Илк кунлардан энг асосий эътибор таълим сифатини таъминлашга қаратилди. Шу билан бирга, моддий-техник базани шакллантириш, замонавий ўқув синфлари, полигонлар ва симуляторларни жорий этиш устувор вазифа бўлди. Профессор-ўқитувчилар ва офицерлар таркибини танлашда эса уларнинг амалий тажрибаси, ҳарбий хизмат йўли ва маънавий салоҳиятига алоҳида аҳамият берилди.



– Замонавий талаблар ва курсантлар тайёргарлиги ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Бугунги урушлар анъанавий майдон билан чекланиб қолмаяпти. Ахборот уруши, кибер таҳдидлар, дронлар, тезкор манёвр ва асимметрия кураш усуллари асосий ўринни эгалламоқда. Шу боис, курсантларимиз замонавий тактик фикрлаш, рақамли бошқарув тизимлари, янги технологиялар билан ишлаш ва тез қарор қабул қилишга ўргатилмоқда.

– Куруқликдаги қўшинлар учун офицер тайёрлашда асосий кўникмалар қаторига нималарни қўшган бўлардингиз?

– Институтда офицер тайёрлашда жанговор тайёргарлик билан бир қаторда, бошқарув маданияти, жамоа билан ишлаш, шахсий масъулият, лидерлик қобилияти ва психологик барқарорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки офицер – нафақат жангчи, балки тарбиячи ва етакчидир.

– Назария ва амалий тайёргарлик ўртасидаги мувозанат нималарда кўринади?

– Назарий билим амалиёт билан мустаҳкамланмаса, у самара бермайди. Шу боис, таълим жараёнида назария ва амалиёт ўртасида мувозанат сақланади. Курсантлар мунтазам равишда полигонларда, тактик ўқув машқларида, саҳро ша-

роитида билимларини синовдан ўтказадилар.

– Рақамли технологиялар ва симуляторлардан фойдаланиш даражаси қандай?

– Институтда замонавий симуляторлар, виртуал жанг майдонлари ва рақамли таълим платформалари жорий этилган. Бу курсантларга хавфсиз муҳитда турли жанг сценарийларини ўрганиш, хатоларни таҳлил қилиш ва тажриба орттириш имконини беради.

– Инсон омили ва маънавий тарбия уйғунлиги ҳақида ҳам гапирсангиз.

– "Янги ҳарбий – аввало, янги тарбияланган шахс", деган фикрга тўлиқ қўшиламан. Институтда маънавий-маърифий тарбия, ахлоқий кадрлар, Ватанга сadoқат ва фуқаролик бурчи доимий равишда тарбия жараёнининг марказида туради.

– Ҳарбий ва офицерлар таркиби Сизни қаноатлантирадими?

– Институтда катта жанговор ва хизмат тажрибасига эга офицерлар, ҳарбий олимлар ва юқори малакали мутахассислар фаолият юритмоқда. Улар курсантларга нафақат билим, балки ҳаётини ва хизмат тажрибасини ҳам ўргатмоқда.

– Ёш офицерни тарбиялашда энг муҳим мезон нима?

офицерни тасаввур қилиб бўлмайди.

– Ватанпарварлик руҳини уйғотишда-чи?

Институтда ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари, тарихий сана ва қаҳрамонлар хотирасига бағишланган тадбирлар ва "Уч авлод" учрашувлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу нафақат курсантларда, балки мактаб ўқувчилари учун ҳам миллий ғурур ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлайди.

– Курсантлар ҳаётини сабоқлар ҳам олаётгандир?

– Улар интизом, жамоада яшаш, қийинчиликка сабр қилиш, ўз сўзига жавоб бериш, вақтни қадрлаш каби муҳим ҳаётини сабоқларни оладилар.

– Замонавий офицер фазилатлари ҳақидаги фикрларингиз?

– Замонавий офицер билимли, фидойи, технологияларга мослаша оладиган, адолатли ва инсонпарвар бўлиши шарт.

– Маҳаллий аҳоли ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қандай?

– Миллий армиямизнинг жанговар шайлиги, юксак интизому ва халқ билан муштараклиги мамлакат тинчлиги ҳамда барқарорлигини таъминлашда ёшлар иштирокида ватанпарварлик тадбирлари, давра суҳбатлари ўтказилиб ке-



линмоқда. Мактаб ўқувчиларига ҳарбий касбий таълим кенг тарғиб қилиб келинмоқда.

– Оммавий ахборот воситаларига муносабатингиз?

– Мамлакатимиз аҳолиси ўртасида миллий армиямизга оид ижобий фикр-мулоҳазаларни шакллантириш, қўшинларда ўтказилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмун-моҳиятини мамлакатимиз аҳолисига тезкорлик билан етказиб бериш, ҳарбий қисмлар, дала ўқув майдонларида олиб борилаётган назарий ва амалий машғулотлар, танлов, мусобақа ва бошқа тадбирлар Оммавий ахборот воситаларида, қолаверса, Мудофаа вазирлигининг (Mudofaa.uz ҳамда Mudofaa.live) ижтимоий тармоқ мессенжерлари орқали кенг ёритилиб борилмоқда.

– 5-10 йилдан кейинги институт қиёфаси қандай бўлишини истайсиз?

– Институтни минтақада етакчи, нуфузли ҳарбий таълим марказларидан бири сифатида кўришни истайман.

– Халқаро тажриба ва ҳамкорлик ҳақидаги фикрларингиз.

– Халқаро тажриба институт ривожига муҳим ўрин тутди. Халқаро ҳарбий ҳамкорлик доирасида бир неча йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва муҳофаа университети ҳамда Куруқликдаги қўшинлар институти-мизда бакалавр ва магистратура босқичида Марказий Осиё давлатларидан офицер ва курсантларни ўқиши йўлга қўйилгани яққол мисол бўла олади. Бу йўналишда ҳамкорликни янада кенгайтириш режада бор.

– Институт битирувчилари мамлакат муҳофаа тизимида қандай ўзгаришлар қилишига ишонасиз?

– Институт битирувчилари миллий муҳофаа тизимига сифат жиҳатидан янги ёндашув ва тафаккурни олиб қиради, деб умид қиламан.

– Ёшлар ва ота-оналарга айтадиган гапларингиз.

– Ҳарбий касб – бу шарафли ва масъулиятли йўл. Ватанга хизмат қилишни танлаган ёшларга ишонимиз, ота-оналарни эса фарзандларини қўллаб-қувватлашга чақираман.

– Жавобларингиз учун раҳмат. Сизни, сиз орқали жамоангиз аъзоларини Ватан ҳимоячилари куни билан табриқлаймиз!

Ирода МУҲАММАДАЗИЗОВА
суҳбатлашди

ХАРБИЙЛАРНИНГ ИМТИЁЗЛАРИ

Улар ватан тақдири, юрт тинчлигига дахлдордир

Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Мазкур сана арафасида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида, хусусан, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида яна бир қарра фикрлашиб олишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш мамлакат ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Фуқароларимизнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажариши ва ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Мамлакатимизда қуйидаги ҳарбий хизмат турлари мажбур:

- муддатли ҳарбий хизмат (12 ой);
- сафарбарлик қақуруви резервидаги ҳарбий хизмат (1 ой);
- контракт бўйича ҳарбий хизмат;

•Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек, сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар қақуриладилар.

Муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматга қақурилиш муддатини кечиктириш ҳам қонун билан белгилаб қўйилган. Қақурилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматга қақурилиш муддатини кечиктириш ҳудудий комиссиянинг қарори асосида амалга оширилади. Бунга уларнинг оилавий шароити, саломатлиги ҳамда ўқишни давом эттириши асос бўла олади.

Қақурилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга ва сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматга қақурилиш муддатини оилавий шароитга кўра кечиктириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1) қақурилувчининг ота-онаси меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, уларни боқоши шарт бўлган меҳнатга қобилиятли вояга етган бошқа ўғли бўлмаса; Ота-онанинг меҳнатга қобилиятсизлиги қонунчиликка мувофиқ аниқланади;

2) қақурилувчининг меҳнатга қобилиятли ёлғиз онаси ёки отаси бўлиб, уларнинг қарамоғида ўн олти ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлгани ҳолда меҳнатга қобилиятли вояга етган бошқа ўғли бўлмаса;

3) қақурув кунинда қақурилувчининг туғишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса;

4) қақурилувчининг онасиз тарбияланаётган вояга етмаган бир фарзанди бўлса;

5) қақурилувчининг биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган хотини ва вояга етмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса.

Қақурилувчининг ота-онаси вафот этганлиги, улар узоқ муддат бетоблиги муносабати билан ёки бошқа узрли сабабларга кўра ҳам қақуриш муддати кечиктирилиши мумкин. Бунда камида беш йилдан бери ўз қарамоғида сақлаётган шахслар унинг ота-онасига тенглаштирилади.

Қақурилувчилар ўз розилиги ва ота-онасининг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) розилиги билан ҳарбий хизматга қақурилиш муддати кечиктирилмаган ҳолда қақурилиши мумкин.

Умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган қақурилувчилар, шунингдек, олий таълим муассасаларида кундузги ўқишда таҳсил олаётган талабалар ўқишни давом эттиришлари учун уларнинг қақурилиш муддати ўқишни тамомлагуларига қадар кечиктирилади.

Олий таълим муассасаларидаги таълимнинг кундузги ва кечки шаклида таҳсил олаётган талабалар ўз розилиги билан сафарбарлик қақуруви резерви хизматида олиниши мумкин. Бунда талабалар бир ойлик ҳарбий йиғинларни ўташга июль-август ойларида жалб этилади.

Таълим муассасаларидан чиқарилган шахслар қақурилиши

бий хизматга яроқсиз деб топилганлар;

2) яқин қариндошларидан бири (ака-укаси, опа-синглиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этганлар;

3) рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлганлар.

Ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган шахслар ўз розиликлари билан ҳарбий хизматга қақурилишлари мумкин.

Жиноий жавобгарликка тортилган, шунингдек, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳарбий хизматга

ажратиладиган алоҳида қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш.

Маълумот учун, тавсиянома берилганидан сўнг 3 йил мобайнида амал қилади. Шунингдек, бундай тавсияномалар ҳарбийларнинг фарзандларига ҳам таллуқлидир.

Имтиёзли меҳнат таътили ҳам муҳим масаладир. Муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар (агар оилали бўлса)нинг турмуш ўртоқларига, резервга бўшатиладиган кейин 3 ойдан кечиктирмай ишга кирган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган собиқ ҳарбий хизматчилар-



дир олган ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган ёки хизмат вазибаларини бажаришда оғир тана шикастланиши оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганда кредит ва унинг фойзалари ташкилот раҳбарининг қарори асосида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплаб берилади.

Шунингдек, ярадор бўлган ҳарбий хизматчиларга, 1 ва 2-гуруҳ уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга темир йўлларда йилга бир марта бепул юриш ҳуқуқи берилади. Чипталар бориш ва келиш учун амал қилади.

Бундан ташқари, ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидagi ҳарбий хизматчилар жамоат транспортдан бепул фойдаланадилар.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, шунингдек, резервга, истеъфога бўшатиладиган, контракт бўйича ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматининг умумий давомийлиги 10 ва ундан ортиқ календарь йилга етганда уй-жой қонунчилигида кўзда тутилган меъёр ва тартибларга мувофиқ, ўзлари эгаллаб турган турар жойларини бепул хусусийлаштириб олиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатиладиган шахслар меҳнат органлари томонидан имтиёзли равишда ишга жойлаштирилади.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларнинг болаларига давлат боғчаларига жойлашишда имтиёз берилади. Бунда ҳарбийларнинг болаларига боғчада бўш ўринлар бўлганда биринчи навбатда йўлланма берилади.

Талабалар ўқишини кўчириш баҳорги семестрда ўқув машғулоти бошланишидан олдин ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда турмуш ўртоғи ёки ота-онаси ҳарбий хизмат ўташ жойини ўзгартирган бўлиши керак. Бунда ўқишни кўчириш бўйича ариза топшириш – ҳар йили 20 декабрдан кейинги йилнинг 20 январигача амалга оширилади. Аризалар 25 январдан 15 февралгача кўриб чиқилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳарбий хизматчиларга талайгина имтиёзлар берилган. Буларнинг барчаси ҳарбийларимиз мавқеини, обрў эътиборини оширади. Пировардида эса бу билан Ватан тақдирини, халқимиз тинчлигини ишончли қўлларга ишониб топшириш имкониятини яратди.

Отабек ШЕРМЕТОВ,
Чирчиқ шаҳар Мудофаа бўлими бошлиғи



муддатини кечиктириш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Қақурилиш муддатини кечиктириш асосларини йўқотган қақурилувчилар, шунингдек, юқорида қайд этилган Қонунга мувофиқ қақурилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига ёхуд қақурилишдан озод этиш учун асосларга эга бўлмаган ва турли сабабларга кўра муддатли ҳарбий хизматга ёки сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматга қақурилмаган шахслар қақурилиш кунини йигирма етти ёшга тўлгунига қадар Қуролли Кучлар сафида навбатдаги қақурув пайтида қақуриладилар.

Энди муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматга қақурилишдан озод этиш масаласига ҳам тўхталиб ўтамиз. Тинчлик даврида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматга қақурилишдан қуйидагилар озод этиладилар:

1) саломатлигига кўра ҳар-

қақурилмайдилар.

Кўпчиликни қизиқтирадиган яна бир масала бор. Бу ҳарбий хизматчилар учун яратилган имтиёзлардир. Булар орасидаги энг жозибадори олий ўқув юртига кириш билан боғлиқ.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича юқори натижаларга эришган, зарурий билим савиясига эга, намунали ҳарбий интизомини намоеён этган энг муносиб ҳарбий хизматчиларга олий ўқув юртига кириш учун тавсиянома берилади.

Тавсиянома олган ҳарбий хизматчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

•олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест натижаларига кўра ўзлари тўплаган балларининг 50 фоизи миқдоридида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга;

•олий ўқув юртлари бакалавриятга ўқишга кириш учун қабул параметрларидан ташқари

га эса 6 ой ўтмасдан таътилга чиқиш ҳуқуқи берилади.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ҳар йилги навбатдаги таътилларида қўшимча таразда, хизмат йилларининг календарь ҳисобига кўра, 10 йиллик ҳарбий хизматдан сўнг давомийлиги 5 суткалик, 15 йиллик ҳарбий хизматдан сўнг давомийлиги 10 суткалик, 20 йиллик ва ундан кўп ҳарбий хизматдан сўнг давомийлиги 15 суткалик қўшимча таътил берилади.

Бепул тиббий хизмат ҳамда дори-дармонлар бўйича бериладиган имтиёзлар ҳам эътиборга молик. Катта офицер ва генераллар таркиби билан бир қаторда истеъфога чиққанидан сўнг ҳарбий-тиббий муассасалардаги бепул тиббий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуқи хизмат йилларининг умумий давомийлиги 20 йил ва ундан ортиқ бўлган кичик офицерлар, сержант ва оддий аскарлар таркибига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Шунингдек, ҳарбий хизматни ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ўтаган пенсия ёшидаги шахслар амбулаторияда даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминланиш ҳуқуқига эга.

Ипотека кредити учун имтиёзлар қуйидагилардан иборат. Қуролли Кучларнинг ҳарбий хизматчиларига турар жой сотиб олиш ёки қуриш учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари берилади. Бунда имтиёз уй-жой нархининг 35 фоизини давлат томонидан қоплаб бериш шаклида бўлади.

Шунингдек, уй қуриб битказилгунгача ҳарбийларга хизмат турар жойини учун ҳар ойлик пул компенсацияси берилади.

Қўшимча қилиш керакки, кре-

ҲАРБИЙ ЛИБОСДАГИ СПОРТ УСТАСИ

Ҳарбийлик – бу фақат касб эмас. Бу инсон тақдирига муҳрланган бурч, қалбдаги қасам, елкадаги юксак масъулиятдир. Ватан осмони мусаффо, халқ ҳаёти осуда бўлиши учун кеча-кундуз сергак турган, тинчликни кўз қорачигидек асраётган инсонлар бор. Уларга “ҳарбий” деган биргина сўз кифоя. Аммо шу сўз замирида жасорат, матонат, интизом, сабр ва Ватанга садоқат каби буюк фазилатлар мужассам.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган ҳар бир аскар ва офицер мустақиллигимизнинг, худудий яхлитлигимизнинг ишончли қабилидир. Улар тинч кунларда ҳам, синовли дамларда ҳам халқ ишончига сазовор бўлиб келмоқда. Ана шундай шарафли касб эгаларидан бири – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Қуруқликдаги қўшинлар институти жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси катта ўқитувчиси, доцент, подполковник, халқаро тоифадаги спорт устаси Азат Абдурахмановдир.

Унинг ҳаёт йўлига назар ташласак, ҳарбий хизмат билан спорт тақдирини бир-бирига чамбарчас боғланганини кўрамиз. Ёшлиқдан оқ қалбда спортга бўлган муҳаббат, ғалабага интилиш туйғуси уйғонган эди. Юнон-рум кураши – бу фақат куч эмас, балки сабр, интизом ва ақлий барқарорликни талаб қиладиган спорт тури. Азат Абдурахманов айнан шу майдонда ўзини топди, ўз иродасини тоблади.

Спорт устаси даражасига етиши, тош кўтариш бўйича юр-

тимиз ва халқаро майдонларда кўлга киритган ғалабалари унинг руҳий ва жисмоний бақувватлигидан далолат беради. Курсантлик йилларида ҳарбийлар ўртасида ўтказилган мусобақада ғолиб бўлиб, 10 кунлик таътилга муносиб кўрилгани – ёш спортчи-курсант ҳаётидаги илк катта зафарлардан бири бўлди. Бу ғалаба унга янада ишонч, янада қатъият бахш этди.

У биринчи марта ҳарбий либосни кийган пайтда ҳам ҳаёжон билан эслайди. Чунки ўша дамдан бошлаб у ўзини фақат спортчи эмас, балки Ватан ҳимоячиси сифатида ҳис этди. Мана, қарийб ўттиз йилдирки, у шу қасамга содиқ қолиб, ҳарбий хизматни фахр билан адо этмоқда.

Албатта, ҳарбий инсон ҳаёти осон кечмайди. Ҳар кунги машқлар, қаттиқ тартиб-интизом, узоқ сафарлар, баъзан оила ва яқинлардан йироқда ўтайдиган кунлар уни янада чиниқтирди. Натижада, қалбдаги Ватанга бўлган муҳаббат, қасамга вафо туйғуси ҳар қандай қийинчиликдан устун келди.

Вақт ўтиб, унинг ҳаётидаги ютуқлар кўлами янада кенгайди.

У Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги микёсида чемпионлиқни кўлга киритди. Бу нафақат спортдаги ғалаба, балки ҳарбий тайёргарлик, интизом ва руҳий барқарорликнинг ёрқин самараси эди.

2025 йилда Хитойнинг Хайнинг шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этиб, тош кўтариш бўйича фахрийлар ўртасида чемпионлиқни кўлга киритди. Ўша дамларда Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди, мадҳиямиз узоқ ўлкаларда янгради. Бу ғалаба нафақат Азат Абдурахмановнинг шахсий муваффақияти, балки юртимиз шарафини дунёга тараннум этган фахрли лаҳзалар эди.

Унинг ҳаётида устозлик алоҳида ўрин тутди. Шогирди Муҳаммад Шомамудов ҳам Хитойда бўлиб ўтган мусобақада 23 ёшгача бўлганлар ўртасида тош кўтариш бўйича чемпион бўлиб, устоз меҳнатининг самарасини яққол намоён этди. Чунки ҳақиқий устоз учун энг катта мукофот – шогирдининг ютуғи, энг катта фахр – шогирд камолидир.

Жисмонан бақувват инсонлар кўп. Аммо руҳан бақувват бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Бугунги қаҳрамонимиз ана шундай инсонлар сирасидан. У қийинчиликлардан қочмади, аксинча, уларни енгишни ўрганди. Матонат ва ирода унинг ҳаётини шиорига айланди.

– 2018 йилда қабул қилин-

ган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Мудофаа доктринаси тўғрисидаги қонун мамлакатимиз ҳарбий сиёсати ва стратегиясини белгилаб берган муҳим ҳужжатдир, – дейди у. – Президентимиз қабул қилган фармон ва қарорлар мудофаа соҳасини ислоҳ қилиш, жанговор тайёргарликни замон талабига мос ташкил этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

“Қайтадан танлаш имконияти берилса, яна ҳарбий бўлар эдим”, – деб таъкидлади спорт устаси суҳбатимиз давомида қатъият билан. Бу сўзлар ортда улкан маъно бор. Чунки нафақат ота-онаси – Тўлеқиз Андакулова ва Абдурашид Абдурахмановларнинг: “Сен ҳарбий бўлганинг учун биз тинч ухлаяпмиз”, деган сўзлари унинг ҳаётидаги энг олий мукофотга айланган.

Азат Абдурахманов хизматда ҳам, оилада ҳам ибратли инсон. Турмуш ўртоғи Ақмарал – моҳир тикувчи. Улар биргаликда уч қиз ва бир ўғилни камолга етказмоқда. Фарзандларининг ҳар бири ўз йўлини топган, меҳнатсевар ва билимга чанқоқ. Тўнғич қизи – Диана мактабда инглиз тили ўқитувчиси. Гавҳар Камолдин Бехзод номидаги билим юртида таҳсил олмоқда. Либослар бўйича дизайнерлик касбини танлаган. Ҳасан ва Зухралар мактабни битириш арафасида: бири иқтисодчи,



бири шарқшунос бўлиш мақсади билан олмақдалар.

Кичи касбининг шунчаки эгаси бўлиб қолмайди. Бу йўл фидойилик, сабр ва ирода талаб қилади. Қаҳрамонимиз эса бу ҳақиқатни ҳаёти билан исботлаб келмоқда. Унинг кўп йиллик хизматлари муносиб эътироф этилиб, қатор давлат ва соҳавий мукофотлар билан тақдирланган.

Унинг ёшларга берадиган маслаҳати эса оддий: – Ҳеч бўлмаганда ҳар бир оилада битта фарзанд ҳарбий – Ватанни ҳимоя қилувчи бўлиши керак. Армияда инсонни тарбиялайдиган, уни чиниқтирадиган барча шароитлар бор.

Подполковник Азат Абдурахманов – Ватанга садоқат сўзда эмас, амалда намоён бўлишини исботлаган инсон. Унинг ҳаёт йўли – Ватанга хизмат қилиш кундалик меҳнат, интизом ва ирода билан барпо этиладиган улуғ мактаб эканининг ёрқин намунаси.

Ҳар бир қасамд қилаётган аскар, дастлаб Ватани олдидаги бурчини жисмонан ҳис қиладди. Шу пайтгача фақат оиласи ва ўз келажаги ҳақида қайғурган бўлса, энди бутун бир халқнинг тинчлиги ва сарҳадлар дахлсизлиги учун жавобгар эканини англайди. Ҳатто энг иродали йигитлар ҳам бундай пайтда кучли ҳаяжонни бошдан кечирилади. Қуролни маҳкам тутиб, баланд овозда “Қасамд қиламан!” деб ҳайқирганида, томоғига нимадир қадалиши табиий. Шу лаҳзада тинчлик посбонларининг кўзларида қатъият билан бирга ўз юртига бўлган чексиз муҳаббат порлайди. Бу – соф ватанпарварликнинг кўриниши, юксак масъулиятнинг туйғилишидир. Ушбу онларда аскарнинг қалбида ор-номус, виждон ва Ватанга садоқат ҳислари жўш уради. Бу туйғулар ҳарбий хизмат давомида унга йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиладди.

МУҚАДДАС БУРЧ



Шу боис, ҳар бир халқ Ватан озодлиги, тинчлиги ва келажаги йўлида жон фидо қилган мард ўғлонларини чуқур эҳтиром билан ёдга олади. Чунки бу муқаддас тушунча айнан ана шундай жасур ва фидоий фарзандлар билан барҳаётдир. Ўзбекистонда ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини сифатида кенг нишонланиши ҳам ана шу олий қадриятларга бўлган юксак эътиборнинг ифодасидир. Бу сана нафақат ҳарбий хизматчилар, балки ўз юрти тақдирига бефарқ бўлмаган, унинг равнақи учун сидқидилдан хизмат қилаётган ҳар бир фуқаро учун мардлик, садоқат ва Ватанга муҳаббат руҳини уйғотувчи улуғ байрамдир.

Бугунги мураккаб ва таҳликали дунёда тинчликнинг қадрини ҳар қачонгидан ҳам юксак ҳисобланади. Осмон мусаффолиги, юрт осойишталиги, болаларнинг беғубор кулгуси ва маҳалларимиздаги ободлик тасодифан эмас. Бу хотиржам ҳаётнинг замирида,

сарҳадларда туну кун сергак турган, Ватаннинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачигидек асраётган мард ва жасур ҳарбийларимизнинг фидокорона хизмати мужассам. “Ватан останада бошланади”, деган доно халқимиз. Демак, Ватанни ҳимоя қилиш – ота-она, оила, фарзандлар, муқаддас қадриятлар ва миллий ғурурни ҳимоя қилиш демакдир.

Бугунги кунда замонавий Ўзбекистон армияси нафақат кучли ҳарбий салоҳиятга, балки юксак маънавият, қатъий интизом ва касбий маҳоратга эга бўлган кадрлар билан шаклланди. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини бошчилигида мамлакатимизда мудофаа ва хавфсизлик соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Натижада миллий армиямиз нафақат мамлакатимиз, балки минтақадаги энг ишончли ва салоҳиятли кучлардан бирига айланмоқда. Мудофаа тизимини модернизация

қилиш, уни замон талаблари асосида такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Хусусан, Қуролли Кучлар замонавий ҳарбий техника ва янги авлод қурол-яроғлари билан босқичма-босқич таъминланмоқда. Бу эса ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, мамлакат худудини ишончли муҳофаза қилиш имкониятини кенгайтирмоқда. Шу билан бирга, ҳарбий олийгоҳлар ва ўқув марказлари замонавий таълим дастурлари, илғор педагогик усуллар ва халқаро стандартлар асосида қайта ташкил этилмоқда. Бу

римиздан мерос бўлиб келаётган мардлик, жасорат ва ватанпарварлик анъаналари бугунги посбонларимизнинг қон-қонига синган, десак муболаға бўлмайди.

Ватан ҳимоячилари кунини ўсиб келаётган ёшлар учун ҳам ибрат ва ғурур мактабидир. Бу байрам уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, бурч ва масъулият туйғуларини мустаҳкамлайди. Ҳар бир йигит учун армия сафида хизмат қилиш – нафақат қонуний мажбурият, балки ҳаёт мактаби, сабр-тоқат, ирода ва мардликни шакллантирадиган улуғ дарсдир.

Ватан инсон учун энг азиз ва бебаҳо неъ-



нафақат малакали офицерлар, балки мамлакат хавфсизлиги учун муҳим бўлган етакчи мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Ахборот технологиялари, рақамли бошқарув ва инновацион ечимларни жорий этиш орқали армия фаолияти янада самарали йўлга қўйилмоқда. Шу билан бир қаторда, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида Ватан ҳимояси, ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий тарбия ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жасоратли, хизматга садоқатли ҳарбийларни рағбатлантириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали ёш авлоднинг ҳарбий хизматга бўлган қизиқиши ортиб, хизмат сифати янада юксалмоқда.

Ҳақиқат шундаки, армиянинг энг асосий кучи қуролда эмас, балки аскарнинг қалбидаги Ватанга бўлган чексиз муҳаббатда, юрт тақдирини учун масъулият туйғусидадир. Амир Темур, Жалолдин Мангуберди каби буюк аждодла-

мат. У тарихимиз, маданиятимиз ва келажагимиз билан боғловчи кўприқдир. Шундай экан, ҳар биримиз қайси соҳа вакили бўлишимиздан қатъи назар, юртимизнинг тинчлиги ва ривожини учун масъулмиз. Бу улуғ сана нафақат ҳарбий хизматчилар, балки барча фуқаролар учун ҳам давлатга садоқат, миллат бирлиги ва умумий мақсадлар йўлида жипслик рамзи ҳисобланади. Юртимиз мустақиллиги, тинчлиги ва тараққиёти йўлида хизмат қилаётган ҳар бир ҳарбийга чуқур эҳтиром билдирамиз, уларнинг фидокорона хизматини юксак қадрлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилаётган барча зобит ва аскарларни, соҳа фахрийларини Ватан ҳимоячилари кунини билан самимий муборакбод этамиз. Уларга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат ва шарафли хизмат йўлида улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ватанимиз осойишта, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

Саҳифани Саодат МУСАЕВА тайёрлади

МАҲАЛЛА ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ – ЯНГИ БОСҚИЧДА

2025 йил 26 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасини йўлади. Ушбу тарихий нутқда мамлакатнинг яқин истиқболдаги ривожланиш стратегияси ва халқ фаровонлигини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Президент ўз нутқида анъанага кўра кириб келаётган янги йилга ном берди. 2026 йил мамлакатимизда "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилинди.



Дона МАШАРИПОВА,
Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар
Кенгаши депутати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига қилган навбатдаги Мурожаатномаси халқимиз миллий тараққиётига хизмат қиладиган, мамлакатимизни келгусида янада юксак ривожланиш босқичига олиб чиқишга қаратилган мустақкам ва ҳаётий дастур бўлди. Ушбу Мурожаатнома орқали амалга оширилаётган ислохотлар самараси ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир фуқаро ҳаётида яққол ҳис этилмоқда.

МУРОЖААТНОМА — МУСТАҚКАМ ВА ҲАЁТИЙ ДАСТУР

Айниқса, 2026 йилнинг "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш" йили деб эълон қилиниши маҳалла тизимини тубдан ислоҳ қилиш, маҳаллалар билан ҳамкорликда ишларни самарали ташкил этиш, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, болалар тарбиясида оила, маҳалла ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустақкамлаш учун кенг имкониятлар ярати берди.

Мурожаатномада, аввало, инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимоя тизимларини такомиллаштириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, хотин-қизларга бўлган эътиборни янада кучайтириш масалаларига алоҳида урғу берилди. Бу йўналишларда белгилаб берилган вазифалар жамиятимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Жумладан, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, ўқувчи ёшларни эрта касбга йўналтириш мақсадида 7-синфдан бошлаб қизиқишлари асосида касб-хунарга ўргатиш, 9-синфдан кейин техникумларда таълимни

давом эттираётган ёшлар учун давлат стипендияларининг жорий этилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлган янгилик сифатида баҳоланди. Бу орқали ёшларнинг келажагини таъминлаш, уларни ҳаётга тайёрлаш, ишсизликнинг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Президентимиз ўз Мурожаатномасида ўзбек халқини азалдан қалби пок, ғурури баланд, бағрикенг халқ сифатида эътироф этар экан, бугунги кунда турли салбий йўللарга кириб кетган айрим ёшлар тақдири ҳақида ҳам жон куйдириб сўз юритдилар. Ёшларни турли иллатлардан асраш, уларни соғлом муҳитда тарбиялаш, билим ва касбга йўналтириш масалалари давлат сиёсати даражасида экани яна бир бор таъкидланди.

Шунингдек, Мурожаатномада болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни зўравонликдан асраш, аёлларнинг илмми ва маърифатли бўлиши жамият келажагининг мустақкам пойдевори экани алоҳида қайд этилди. Ҳар бир аёлнинг муаммоси – жамият муаммоси экани, уларни ҳеч қачон муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслик, бу борада мустақкам қонунлар ва давлат ҳимояси мав-

жудлиги ҳақидаги фикрлар ҳар бир она ва боланинг давлат томонидан ишончли ҳимоя остида эканини англатади.

Юртбошимиз ўз нутқида донишманд аждодларимизнинг "Бирлашган – ўзар, бирлашмаган – тўзар" деган ҳикматли сўзларини келтириб, бугунги мураккаб даврда бутун халқимизни ўзаро ҳам-жиҳатликка, оила – оилага, кўшни – кўш-нига кўмак берган ҳолда яшашга, бирдамлик ва ҳамкорликни мустақкамлашга чорладилар.

Хулоса қилиб айтганда, Президент Мурожаатномаси келгуси йиллар учун аниқ белгилаб берилган амалий "йўл харитаси" бўлиб, унда кўзда тутилган устувор вазифа ва ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш барчамиздан бирлашган ҳолда фидокорона меҳнат қилишни талаб этади. Мен ҳам Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутати сифатида ушбу ислохотларни амалга оширишда, Ватанимиз келажаги, юртимиз тинчлиги, маҳалламиз ободлиги ва жамиятимиз юксалиши йўлида бор куч-ғайратим билан меҳнат қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА МАСЪУЛМИЗ



Нуриддин МИРЗАЕВ,
Чирчиқ шаҳар Ёшлар ишлари
бўлими бошлиғи

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўлаган навбатдаги Мурожаатномаси Янги Ўзбекистон тараққиётининг стратегик йўналишларини белгилаб берган муҳим дастурий ҳужжат бўлди. Ушбу мурожаат мамлакатимиз ҳаётида маҳалла институти, ёшлар сиёсати ва жамият ривожини уйғун ҳолда янги босқичга олиб чиқишга

қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

2026 йилга "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб ном берилгани Чирчиқ шаҳри ёшлари учун ҳам катта масъулият ва янги имкониятлар даврини бошлаб бермоқда. Чунки маҳалла бу фақат яшаш ҳудуди эмас, балки ёшлар тарбияси, ташаббус ва салоҳият рўёбга чиқадиган муҳим ижтимоий макондир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ёшларнинг спорт, таълим ва илм-фан соҳаларида қўлга киритаётган ютуқларини алоҳида эътироф этди. Бу ютуқлар Чирчиқ шаҳри ёшларига ҳам хос. Бугун Чирчиқдан етишиб чиқаётган ёш спортчилар вилоят ва республика миқёсида муносиб натижаларни қўлга киритаётгани, футбол, бокс, таэквондо, кураш ва енгил атлетика каби спорт турларида ёшларимиз ғалабалар сари интилаётгани қувонарли ҳолдир.

Шу билан бирга, шаҳримиздаги мактаб ва олий таълим муассасаларида

таҳсил олаётган иқтидорли ўқувчи ва талабалар фан олимпиадалари, стартап ва инновацион лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Чирчиқ ёшлари ахборот технологиялари, муҳандислик, кимё ва аниқ фанлар йўналишларида ўз иқтидорини намоён этиб, мамлакатимиз нуфузини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган касбий таълимни ривожлантириш, техникумларни замонавий стандартлар асосида қайта жиҳозлаш, "Касблар шаҳарчалари"ни ташкил этиш ташаббуслари Чирчиқ шаҳри ёшлари учун айниқса, муҳим. Маҳаллалар кесимида ёшларни талаб юқори бўлган касбларга йўналтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, маҳаллаларда "Ёшлар дафтари" орқали минглаб ёшларнинг муаммолари ўрганилиб, уларни иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш ишлари амалга оширилмоқда. Ёш

тадбиркорлар томонидан сервис, ишлаб чиқариш, савдо ва IT соҳаларида янги иш ўринлари яратилаётгани ҳам амалий натижалардан далолат беради.

Шунингдек, Чирчиқ шаҳрида ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш, китобхонликни тарғиб қилиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли лойиҳа ва акциялар ўтказиб келинмоқда. "Беш муҳим ташаббус" доирасида ташкил этилган тўғарақлар, спорт секциялари ва маданий тадбирлар ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Президентимиз белгилаб берган устувор вазифалар Чирчиқ шаҳрида маҳалла ва ёшлар ҳамкорлигини янада мустақкамлаб, жамият тараққиётига кучли туртки беради. Биз, Чирчиқ шаҳри ёшлар жамоаси, ёшлар билан биргаликда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, маҳаллаларни тараққиёт ва маърифат марказига айлантириш йўлида барча имкониятларимизни сафарбар этамиз.

ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ



Чирчиқ шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси чақирилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 17-моддасига асосан, 2025 йил 29 декабрь куни еттинчи чақириқ Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашининг йигирманчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия кун тартибига Чирчиқ шаҳри-

нинг 2026 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш, 2026 йилда Чирчиқ шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури, Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши раисини сайлаш тўғрисидаги масалалар киритилди.

Шаҳар Кенгаши депутатларининг қарорига мувофиқ, Умаров Маҳсуд Саидалиевич Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши раиси этиб сайланди.

Навбатдан ташқари сессия ишида Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар ҳокимининг барча ўринбосарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, шаҳар бўлим ва ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Сессия ишида кун тартибидagi масалалар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.



Уни болга қоқади	Хусайн Бойқаро давлати	Хашарот тури	... хуқук	Са- молёт зинаси	Бўғим касаллиги
... Сандал (турк хонандаси)	Сергап, лақма	... Омонуллаева (бас-такор)	Хомий, оталиқ		
		Тиббий аппарат тури	Кумуш (поэ-тик)		Калашников автома-ти
Нахор, эрта тонг	Ишлатилган сув		Амери-ка тўтиси	Хинд хонан-даси	
		Грек ҳарфи	Ёгда пишув-чи юпка хамир		
Маош-дан улуш	Безак, пардоз		Ирина (қисқа)	Амери-ка туя-си	Хур фикрли (эск.)
			Асқад Мухтор асари	Пинак	
Марка-зий қон айланиш аъзоси	Ахлоқ дарс-лиги	Сарик рангли тош			
			Икки тар-моқли таёқ	Зах	
Бетон (Ўзбек-ча)	Таран-нум	Кўнгил			
			Худудий тузилма тури	Қовоғи солиқ	"... бошқа, хавас бошқа"
	Ким ... Сен (арбоб)				
			Кам-тар, сипо	Фой-дасиз, беҳуда	
	Ипак курти маҳсули	Куй-қушиқ			
		Гувохлик, шожидлик	Тошкент вилоя-тидаги шаҳар	...-на-сиба	Ўзбек уруги
Ўткирнинг хотини ("Парво-на")	Арава-ли мотоцикл	... Ада-шев (актёр)	Патрон ўлчами	Йиртқич куш	
"Бой ... хизмат-чи" (асар)			Тармоқ		Тўппон-ча тури
		Булут (форс-ча)	Қирғиз валю-таси	Муҳаммад-ризо ... (мумтоз шоир)	Мин-натдор-лик сўзи
Таом тури					19x19 ўлчамли шашка
Крис ... (хо-нанда)					
Ёввойи хўкиз (Евро-па)	"Хайрат ул-..." (асар)		Енисей ирмоғи		
		Баҳорнинг илк оғи		Жаҳон ... Увай-сий	



ЕТАКЧИ МАКТАБ

Жамиятда соғлом турмуш тарзи, кучли ирода ва юксак интизом тимсоли сифатида спорт соҳасининг алоҳида эътироф этилиши сир эмас. Айниқса, ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол этиб тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс. Ана шундай улғу мақсадларни ўз олдига қўйган ва изчил амалга ошириб келаётган етакчи таълим масканларидан бири – Ўзбекистон Давлат Жисмоний Тарбия ва Спорт университетидир.

Бугунги кунда мазкур университетда спорт соҳаси учун рақобатбардош, малакали ва замонавий фикрлайдиган кадрлар тайёрланмоқда. Унда 50 дан ортиқ спорт йўналишлари бўйича таълим олиб борилади. Хусусан, ёзги Олимпия ўйинларига кирувчи 32 та, қишки Олимпия спорт турларининг 4 та, миллий спорт турларининг 3 та ҳамда 11 та ноолимпия спорт йўналишлари бўйича мутахассислар етиштирилмоқда.

Университетда таълим жараёни назарий билимлар билан бир қаторда амалий машғулотлар билан узвий боғланган ҳолда ташкил этилган. Талабалар спорт техникаси, мусобақаларга психологик тайёргарлик, спорт педагогикаси, жамоа билан ишлаш ҳамда профессионал маҳорат сирларини чуқур ўзлаштириш имкониятига эга.

Таълим масканининг илмий-педагогик салоҳияти ҳам юксак даражада. Бу ерда фан докторлари, профессорлар (DSc), доцентлар, фалсафа докторлари (PhD), шунингдек, ўз касбига сидқидилдан ёндашувчи катта ўқитувчилар ва ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Устозларнинг бой тажрибаси, илмий ёндашуви ва фидойилиги спортчиларнинг юқори натижаларга эришишида мустақкам замин бўлмоқда.

Университет тарбияланувчилари Осиё, жаҳон ва Олимпия миқёсидаги нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келаётгани барчамиз учун ғурур манбаидир. Ҳар бир қўлга киритилган ғалаба ортида спортчиларнинг машаққатли меҳнати, устоз-мураббийларнинг сабр-тоқати ва кучли жамоавий руҳ мужассам экани, шубҳасиз.

Ушбу нуфузли олийгоҳда фаолият юритиш мен учун катта шараф ва масъулиятдир. Ўзбекистон Давлат Жисмоний Тарбия ва Спорт университетиде таълим бераётган ўқитувчи сифатида ёшларнинг нафақат жисмоний, балки маънавий-руҳий камолотига ҳисса қўшишни ўзимнинг касбий бурчим ва фахрим, деб биламан. Университет фақат таълим маскани эмас, балки бирдамлик, ютуқ ва ғурур мактабидир.

Махфуза АБДУХАКИМОВА,
Университетнинг Спорт психологияси ва педагогика кафедраси ўқитувчиси

ИНТИЗОМ, САБР, МАСЪУЛИЯТ

Олий таълим тизимида сессия – бу шунчаки тақвимдаги белгиланган саналар эмас. Бу – ҳар бир талабани ўз устида ишлашга, меҳнат ва изланишга ундайдиган, ўз-ўзини баҳолашга имкон яратадиган муҳим даврдир. Айниқса, билимга чанқоқ, орзу ва мақсадлари катта бўлган ёшлар учун сессия – катта ҳаётга киришнинг илк эшигидир. Бу даврда талаба келажакни белгиловчи энг муҳим жиҳатлар – интизом, сабр, масъулият ва фикрлаш маданиятини шакллантиради.

Кўп талабалар ўзини-ўзи бошқариш, вақтни тўғри тақсимлаш каби кўникмаларни айнан сессия даврида ўзлаштиради. Бир томонда рефератлар, бошқа томонда амалий топшириқлар, навбатдаги аудитория машғулотлари, якуний имтиҳонлар – буларнинг барчасини бир жойга сиғдириш учун талабада пухта режа, қатъият ва тўғри устуворлик талаб этилади.

Сессия шуни кўрсатадики, “ҳар бир дақиқа қадри, ҳар бир кун муҳим”. Бу кўникма эса келажакда ҳар қандай соҳада – таълимда, бизнесда, давлат хизматида ёки ижодий фаолиятда – муваффақиятнинг асосига айланади.

Сессия жараёнлари инсоннинг нафақат билимини, балки руҳий ва ақлий бардошлилигини ҳам синайди. Қисқа вақт ичиде катта ҳажмдаги маълумотни такрорлаш, мустақкамлаш ва уни эркин қўллаш олиш – бу оддий жараён эмас. Аммо айнан шу жараён талабанинг фикрлаш доирасини кенгайтиради, мантиқий таҳлил қилиш, муаммога ечим топиш, турли фанлар ўртасида боғлиқликларни англаш кўникмаларини ривожлантиради.

Шу боис сессия – машаққатли, аммо жуда фойдали палла. Бу – талабанинг “билим мускул”ларини мустақкамлайдиган, уни етуқликка олиб борадиган машқдир.

Имтиҳон натижаси баъзан



якши, баъзан эса кутганингиздан паст бўлиши мумкин. Аммо натижа – йўлнинг якуни эмас, балки давомидир. Муҳими, ҳар бир имтиҳондан ўрганиш, ҳар бир ўтган топшириқдан хулоса чиқаришдир.

Шуни тушуниш керак: баҳолар келади-кетди, аммо билим – доимий капитал. Бугун олган тажрибангиз, бугун кўрсатган матонатингиз эртанги муваффақиятларингизнинг асосига айланади.

Талаба учун энг катта мотивация бу – ўз келажакни тасаввур қила билишдир. Ўзингизни беш йилдан, ўн йилдан кейин ким сифатида кўрасиз? Қандай касбда? Қандай билим ва малакага эга бўлган мутахассис сифатида? Шу саволларга берилган жавоблар сизни сессия давомида ҳам, ундан ташқарида ҳам олдинга силжитиб боради.

Кўп талабалар сессияни стресс, қўрқув, босим сифатида қабул қилади. Аслида эса сессия – имкониятлар майдони. Унда сиз ўзингизни намён қиласиз, ўзингизни енгасиз, ўз устингиздан ғолиб бўласиз.

Ёдда тутиш! Сессия душман

эмас – у сизни кучайтиради, имтиҳонлар тўсиқ эмас – улар сизни тажрибали қилади. қийинчиликлар юк эмас – улар сизни шакллантиради.

Ҳурматли талабалар!

Бугун сиз кутубхонада ўтириб конспект варақлаётган бўлишингиз мумкин, аудиторияда имтиҳон саволларига жавоб бераётган бўлишингиз мумкин ёки уйда дарс тайёрлаётгандирсиз. Аммо унутманг: сизнинг ҳар бир ҳаракатингиз – кичик бўлса ҳам, катта орзулар сари қўйилган қадамдир.

Ўзингизга ишончингизни йўқотманг. Ҳаракат қилсангиз – албатта, муваффақият сиз билан бўлади. Бир оз кўпроқ тиришқоқлик, бир оз кўпроқ қатъият, бир оз кўпроқ сабр – ва сиз янги марраларни забт этасиз.

Сессия – сизнинг кучингизни намён қиладиган палла.

Ўзингизга ишонинг – сиз бундан ҳам кўпроққа қодирсиз!

Нурсултон ШАЙХИСЛАМОВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети декан ўринбосари

ЮТУҚЛАР САРҲИСОБИ: ЭЪТИРОФ ВА ЭЪЗОЗ

Чирчиқ шаҳрида жойлашган Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида "Йил сарҳисоби – 2025" номли тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш йўлида фаол меҳнат қилиб келаётган фидоийларни эътироф этиш, уларни муносиб рағбатлантиришга бағишланди.

Тадбирда спорт соҳасида кўп йиллик самарали фаолият юритган фахрийлар, халқаро ва республика миқёсида юқори натижаларни қўлга киритган иқтидорли спортчилар, шунингдек, уларнинг ютуқлари ортида турган тажрибали мураббийлар муносиб тақдирланди. Ютуқлар, зафарлар ва меҳнат самаралари эътироф этилган ушбу анжуман байрамона руҳда ўтди.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар спорт соҳасида яратилаётган шарт-шароитлар, давлат томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш, айниқса, Олимпия ва Паралимпия ҳаракатига бўлган эътибор йил сайин ортиб бораётганини таъкидладилар. Бу эса ўз навбатида янги зафарлар, юқори натижалар учун мустақкам пойдевор бўлаётгани қайд этилди.

Тақдирлаш маросими иштирокчиларга катта руҳий куч, янги мақсадлар ва янада баланд марраларни забт этишга бўлган ишонч бағишлади. "Йил сарҳисоби – 2025" тадбири спорт – матонат, сабр-тоқат ва ғалаба рамзи эканини яна бир бор намоён этди.

Тадбир доирасида марказ раҳбари Равшан Ғафуровни суҳбатга тортдик.

– **Равшан Касимжанович, "Йил сарҳисоби – 2025" тадбири спорт жамоатчилиги учун қандай аҳамиятга эга?**

– Бундай тадбирлар, аввало, бир йил давомида қилинган меҳнатни ҳолисона баҳолаш, энг муҳими эса инсон меҳнатини қадрлашга хизмат қилади. Спортчиларимиз, мураббийларимиз ва фахрийларимиз эътирофга лойиқ. Улар ёш авлод учун ибрат мактабидир.

– **Ёш спортчиларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?**

– Энг аввало, интизом ва сабр муҳим. Мураббий сўзини тинглаш, доимий меҳнат қилиш ва мақсадга ишонч билан интилиш ҳар қандай ютуқнинг калитидир.



Тадбир сўнгида иштирокчиларга эсдалик совғалари ва та-

шаккурномалар топширилди. "Йил сарҳисоби – 2025" тадбири спорт соҳасидаги ютуқларни умумлаштириш, фаолларни рағбатлантириш ҳамда янги ғалабалар сари руҳлантиришга хизмат қилди.

Бу каби тадбирлар нафақат йил якунини сарҳисоб қилиш, балки келгуси йил учун янги режалар ва улкан марраларни белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз мухбиримиз



Muassis:
Toshkent Viloyati Chirchiq Shahar
HOKIMLIGI



"Chirchiq tongi" gazetasi tahrir hay'ati:

Murodjon ABDURAHIMOV

(tahrir hay'ati raisi)

G'afurjon MUHAMEDOV

Dilshod MANNONOV

Qahramonjon ZOIDOV

Ummatbek ABLABEKOV

Saodat MUSAYEVA

Ilhom ASADOV

Bosh muharrir:

Iroda

MUHAMMADAZIZOVA

Gazetaga 1932-yilda asos solingan

2011-yil 22-avgustda Toshkent viloyati Matbuot va axborot boshqarmasida 03-024 raqam bilan ro'yxatga olingan

Manzili: 111700, Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, Amir Temur ko'chasi, 1-uy, 409, 410, 411 va 412-xonalar

Adadi: 3700 nusxa.
Hajmi - 1,5 bosma taboq.
Qog'oz bichimi A-3. Ofset usulida bosilgan. Bahosi kelishilgan narxda
ISSN 2181-7170

Telefonlar:

Qabulxonasi:

71-71-5-36-40.

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

71-71-5-00-14

Nashr indeksi: 64694

Topshirish vaqti: 13.00.

Topshirildi: 14.00.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida

Xatira YUSUPOVA

tomonidan sahifalandi

Navbatchi:

Malika Riskidinova

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.
Reklama materiallaridagi dalillar va faktlarga tahririyat javobgar emas

«NISO NASHRIYOT VA MATBAA UYI» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:

Toshkent viloyati, O'rta Chirchiq tumani,
Mash'al mahallasi, Markaziy ko'cha, 1-uy.

Buyurtma №

МУЧАЛИНГИЗ ОТМИ?

Бу маълумот 1942, 1954, 1966, 1978, 1990, 2002, 2014, 2026 йилда туғилганлар учун!

От мучалига мансуб инсонлар – жуда машҳур шахслардир. Улар диққатли, қувноқ табиатли, ақлли ва молиявий саводхонлиги етарли. Лекин баъзан ҳаддан ташқари кўп гапиришлари мумкин. Агар От мучалида туғилганлар билан узоқ вақт гаплашсангиз, улар ўзларини йўқотиб қўйишлари мумкин, чунки сукунат улар учун энг оғир азобдир.

Ушбу мучалда туғилганлар қизиққонлик ва жозибadorлик тимсоли бўлиб, мафтункор, бошқаларга нисбатан эътиборли, ёрдамга ошиқувчи, дўстона хислатлари билан ажралиб турадилар. Отлар фаол ва сабрсиз бўладилар. Улар мақсад сари тез ҳаракат қилишади, аммо шу билан бирга, йўналишни тез-тез ўзгартириб туришади. Уларнинг қалбида шахсий ҳаётда ҳам, касбий соҳада ҳам омадсизликка учрашдан қўрқув ҳисси яшириниб ётади. Ҳатто, энг кичик муаммо ва ташвишларни ҳам катта фожиа сифатида қабул қилишади.

Улар мақтовларни яхши кўришади, чунки ўзларига ўта ишонган инсондек кўринсалар ҳам улар ўз фазилатларини тасдиқлаб туришларига муҳтож. Отлар бошқаларни мақташни ҳам усталик билан уddалашади, инсонлар жамиятида бўлишни жуда яхши кўришади. Шунинг учун ҳам улар концертларга, театрларга, спорт мусобақаларига боришни ёқтиришади. От мучалида туғилган инсонларнинг кўпчилиги спорт билан шуғулланишади.

Отларнинг қони қайноқ, эҳтиросли, ҳис-туйғулар уммонига шўнгишга тайёр туришади. Улар ўзларининг заиф томонларини яшириш ёки назорат қилиш ҳақида ўйламайдилар, агар От севиб қолса, у ўз севгилисидан бошқа ҳеч нарса унинг кўзига кўринмайди. Ўз жуфтига, ҳамкорига нисбатан эътиборли ва ғамхўр муносабатда бўлишларига қарамай, бу мучалда туғилганлар маълум даражада мустақил бўлишга интиладилар.

Отлар ўзларининг моддий таъминоти ҳақида кўп қайғурадилар, лекин бу борада кўп безовта бўлишларига тўғри келмайди. Чунки бу мучал вакиллари молиявий масалаларни муваффақиятли бошқарадилар, одатда пуллари етарли бўлади. Улар янги юртларда бўлишни, саёҳат қилишни



ва турли ҳудудларни кезиб юришни ёқтирадилар. Отлар учун ташқи кўриниш катта аҳамиятга эга.

Бу мучал вакилларининг ёқимли ва қувноқ табиати, атрофдаги одамлар орасидаги машҳурлиги уларнинг меҳнатсеварлиги ва мақсад йўлидаги қатъияти билан уйғунлашиб кетган. Яққол сезилиб турадиган лидерлик қобилияти сабабли улар эркин фаолият қилиш, турли одамлар билан фаол мулоқот қилиш мумкин бўлган соҳаларда катта муваффақиятларга эришадилар.

От мучалида туғилган инсонлар жуда тез мулоқотга киришишлари уларнинг касб танлашларига ҳам таъсир қилади. Улар ўзларининг энергияси ва ижобий кайфияти туфайли мижозлар билан ишлашда, ташкилотчилик фаолиятида ва ораторликда тенги йўқ бўлишади. Отлар катта интилишларсиз ҳам муваффақиятли карьера қилишлари мумкин, турли соҳаларда, жумладан, нуфузли доираларда ҳам кўплаб танишларга эга бўладилар.

Интернетдан олинди

Расмдаги 6 хил ўтириш жойига қараб инсон характери ҳақида фалсафий ва психологик тахлиллар. Бу тест шунчаки қизиқарли эмас – у инсоннинг ички эҳтиёжлари, афзал кўришлари ва мулоқот услубини очиб беради.

1. Ёстиқли ўриндик

– Тинчлик ва барқарорликни яхши кўради;

– Эмоционал барқарор, меҳрибон, меҳмондўст;
– Оилавий муҳитни қадрлайди, одамлар билан мулоқотда юмшоқ;

– Қийин вазиятларда сукутни афзал кўради.

2. Қора офис креслоси (тиргакли ва гилдиракли)

– Ишбилармон, назоратни яхши кўради;
– Тартиб, режа ва масъулиятни қадрлайди;
– Лавозим ва нуфузга эътиборли;
– Мулоқотда аниқ, талабчан, баъзан қаттиққўл.

3. Ёруғ кўк ўриндик

– Ижодкор, орзули, мулоҳазали;
– Ёлғизликда куч тўплайди, фикрлашни яхши кўради;
– Инсонлар билан мулоқотда эҳтиёткор;
– Эстетика ва ички гўзалликни қадрлайди.

4. Ойнали жой, табиат манзараси билан

– Романтик, табиатга мойил, эрксевар;
– Ташқи муҳитдан илҳом олади;
– Фалсафий фикрлашга мойил, орзу ва ҳаёлга бой;
– Мулоқотда очик, лекин ички дунёси чуқур.

5. Оддий ёғоч стул

– Содда, амалиётчи, сабрли;
– Кичик нарсаларда ҳам қадрият кўради;
– Меҳнатқаш, камтар, ишончли;
– Мулоқотда тўғри, ортиқча гапсиз.

6. Кўм-кўк бинбег (юмшоқ ўтиргич)

– Эркин, креатив, тезкор;
– Қоидаларга эмас, натижага қараб ҳаракат қилади;
– Технология ва тезликни яхши кўради;
– Мулоқотда шиддатли, лекин қизиқарли.

Психологик тест

Sizga o'tirishingizga ruxsat Berilsa qayerga o'tirardingiz ?



ЭЪЛОН

1986 йил 12 ноябрда Чирчиқ шаҳар Мудофаа ишлари бўлими томонидан Кенджаев Бахит Фаткуллович номига берилган А-606830-рақамли Афғонурошиқатнашчиси имтиёзли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.